
“Ташаббусли бюджет” лойиҳасида Фурқат туманидан умумий қиймати 4.886 млрд. сўм бўлган 4 та таклиф ғолиб бўлди.

“Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг 3-босқичи яқунланди. Лойиҳа доирасида Фурқат тумани бўйича фуқаролар томонидан жўнатилган таклифлардан умумий қиймати 4.886 млрд. сўм бўлган 4 та лойиҳа ғолиб деб топилди.

Хусусан, ["Кармак"](#) маҳалласи 17 108 та овоз, ["Ингичка"](#) маҳалласи 6036 та овоз, ["Ўртақўрғон"](#) маҳалласи 5706 та овоз ички йўлларни таъмирлаш ҳамда Фурқат тумани [Баркамол авлод болалар мактабининг](#) моддий-техника базасини ривожлантириш таклифи 5882 та овоз тўплади. Ташаббуслар ғолиб дея топилиб, мазкур таклифлар молиявий қўллаб-қувватланадиган бўлди.

Туман бўйича ғолиб ташаббуслар рўйхати билан ушбу манзилда танишишингиз мумкин : <https://openbudget.uz/boards-list/1?stage=3&page=1®ion=11&district=141>

2023-04-07 16:43:38